

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**536 2015 — 2017 йилларда пенсия таъминотининг ягона идоралараро интеграциялаштирилган ахборот тизими жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури тўғрисида» 2015 йил 18 февралдаги ПҚ–2302-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва ижтимоий нафақалар оладиган 2,7 миллиондан ортиқ пенсионерлар ва 237 минг фуқаролар бўйича ягона маълумотлар базасини ифодаладиган, унинг воситасида пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш, ҳисоб-китоб қилиш, қайта ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек ҳар ойда тайинлаш жараёнларини автоматлаштириш таъминладиган автоматлаштирилган ахборот тизими — «Пенсия» дастурий мажмуи жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Пенсия» дастурий мажмуи негизида уни янада такомиллаштириш ва функционал кенгайтириш йўли билан кекса кишилар учун пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлашнинг энг қулай тизимини назарда тутувчи, маълумотномалар ва тасдиқловчи ҳужжатларни қоғоз шаклида олишни истисно этувчи, шунингдек пенсиялар ва нафақалар тўлашга маблағларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси пенсия таъминотининг ягона идоралараро интеграциялаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда «Нафақа» ягона ахборот тизими деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. 2015 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси пенсия таъминотининг ягона идоралараро интеграциялаштирилган ахборот тизимини жорий этиш режа-жадвали иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирликлар ва идоралар тасдиқланган 2015 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси пенсия таъминотининг ягона идоралараро интеграциялаштирилган ахборот тизимини жорий этиш режа-жадвали тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси «Нафақа» ягона ахборот тизимини жорий этиш тугаллангандан кейин 2018 йил мобайнида «Нафақа» ягона ахборот тизими фаолият кўрсатишини янада қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган сервер

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

536, 539-моддалар

— 54 —

42 (698)-сон

асбоб-ускуналарини харид қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тендер савдолари ўтказсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 19 октябрь,
297-сон